

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Педагогика ва психология факультети

21-15 гурӯҳ талабаси

Бозорова Угилойнинг

**ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАШКИЛИЙ  
ШАКЛЛАРИ.**  
мавзусида ёзган

# К У Р С И Ш И

Илмий раҳбар: М. Мухлибоев

Гулистон – 2016

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ.

## РЕЖА:

1. Таълим шакллари ҳақида умумий тушунча, дарс ва унинг тузилиши.
2. Маъруза ва унинг тузилиши.
3. Семинар ва амалий машгулот.
4. Курс иши.
5. Диплом иши.
6. Амалиёт.

Таълим муассасалари олдида турган вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши маш'улот (таълим жараёни) мазмуни, таълим шакли, методлари ҳамда воситаларининг самарадорлигига боғлик бўлади. Таълим шакли, методлари ва воситалари талабаларни (ўкувчиларни) маънавий жиҳатдан тарбиялаш, уларда чукур билим ва дунёкарапни шакллантиришга хизмат қиласади.

Таълим шакли ўқитувчи ва ўкувчининг белгиланган тартибида, муайян мақсадга мувофиқ маълум режимда ташкил этиладиган фаолиятларининг ташкил ифодасидир.

+адим замонларданоқ жамиятнинг етук кишилари ўқитиш ишини ташкил қилишнинг ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларигажавоб берадиган шаклларини топишга уринганлар. Ҳозирги вақтда Республика таълим муассасаларида ўқитишнинг қуидаги шаклларидан фойдаланилмоқда. (**Ш. Умаров. «Узлуксиз таълим, фан ва ишилаб чиқаришнинг интеграциялашуви». Т., 2005. (Б.М.И.)**)

Анъанавий таълим шакллари (синф дарс тизими):

- а) янги билимларни баён килиш дарси;
- б) ўтилган материалларни мустахкамлаш дарси;
- в) билим, ккникма ва малакаалрни текшириш дарси;
- г) кириш ва такрорий умумлаштирувчи дарслар;
- д) аралаш дарс.

Якка тартибдаги таълим шакли:

- а) репетиторлик таълими.

Ноанъанавий таълим шакллари:

- а) маъруза;
- б) факультатив;
- в) семинар;
- г) лаборатория маш'улотлари;
- д) экскурсия;
- е) баҳс-мунозара;
- ж) давра столи;
- з) викторина;
- и) матбуот конференцияси ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, иктисадчи-ўқитувчи кадрлар тайёрлашда Тошкент Ҷавлат иктисадиёт университетида ҳам юқоридаги таълим шаклларидан кенг фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга кадрлар тайёрлашда таълим беришда ўқитиш усуслари ҳам асосий ўринни эгаллайди. Усул айнан нимагадир йўл, деган маънени англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Усуслар ҳар қандай ахборотни мақсадни) узатиш ва қабул килиш тарзига қараб қўйидаги турларга ажратилади:

- а) о\заки усул;
- б) кўргазмали усул;
- в) амалий усул.

Таълим жараённида талабаларни ўзлаштириш, фикрлаш жараёнини ташкил этиш бўйича эса қуидаги усулларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- а) ўқитишининг маъруза (сухбат) усули;
- б) ўқитишининг амалий ишлар усули;
- в) лаборатория ишлар усули;
- г) мустақил ишлар усули;
- д) репродуктив-эвристик усул;
- е) илмий-тадқиқот усули;
- ж) ўқитишининг муаммоли-изланиш усули;
- з) ўқитишининг индуктив ва дедуктив усули. (Схема қаранг).

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тў\рисида»ги қонунида «Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди» - дейилган. Шу билан бирга олий таълим талабаларни илмий тадқиқот ишларига ҳам ўргатади. Агар ўрта мактабнинг асосий вазифаси ўқувчиларга билим, малака ва иқтидор, шу билан бирга касбга йўналтириш билан шу\улланса, олий мактаб илмий билим, илмий малака, иқтидор беради талабаларга мутахассис шахсини тарбиялади. Шу билан бирга маълум фан бўйича илмий-тадқиқотчини ҳам тарбиялади. Шу ўринда И.Каримов «Фанга истеъодди ёшларни кириб келишини таъминлаш учун комплекс тадбирлар туркумини амалга ошириш зарур. Бу ўринда олий мактабнинг, ҳатто умумий таълим мактабларининг фаолиятларини тубдан қайта қуриш керак» - дейди.

Шу нуқтаи назардан олий мактабларда билимларни ҳозирги замон даражасида бериб бериш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирда олий таълим икки босқичдаги иборат, яъни бақалавриат ва магистратура. Мана шу босқичларни амалга оширишда, аниқро\и, олий маълумотли етук мутахассис тайёрлашда иқтисодий билимларни беришнинг ташкилий шакллари қўлланилади.

Маъруза - билим беришнинг шундай шаклини, унда педагог (ўқитувчи) томонидан ўрганилаётган билимлар, малакалар, кўникмалар талабаларга ёппасига баён этилади. Маърузалар баён этилиш жойига қараб ҳар хил бўлиши мумкин, яъни тегишли фанларга оид (иктисод, маркетинг, менежмент, тадбиркорлик, хуқуқ, иқтисодий информатика ва ҳоказо), ижтимоий характерга эга маърузалар, техника-технологияларга оид маърузалар, илмий педагогик марказлар, бадиий ижодиётга оид маърузалар (адабиёт, санъат), диний дунёвий маърузалар ва бошқалар. Биз учун ҳозирда иқтисодиёт фанларига оид маърузалар характерлидир.

Маъруза баён этилиши жараённида унга қуидаги талаблар қўйилади:

- 1) Берилаётган материаллар илмий характерга эга бўлишлиги.
- 2) Маъруза системали (тизимли) бўлишлиги.
- 3) Материаллар, маълумотлар талабалар кучига мос ва хос бўлишлиги.
- 4) Маъруза сиёсий жиҳатдан талабга жавоб беришлиги.
- 5) Маърузада назарий масалалар амалиёт билан бевосита бо\ланган бўлишлиги.
- 6) Маъруза мавзуга оид Республикадаги ижтимоий-иктисодий воқеа, ҳодисаларнинг энг сўнгги статистик маълумотлари билан бойитилган бўлишлиги лозим.

Маъруза - ўқув жараёнининг ил\ор усулларидан бири бўлиб, дастлаб у ўрта асрларда бирон бир китобни ўқиши ёки уни изоҳлаш йўли билан намоён бўлган. Жамият ривожланиши мобайнида о\заки тушунтиришнинг бу усули XVIII асрда лотин тилида амалга оширилган. XVIII аср ўрталарига келиб маърузалар рус тилида ўқий бошланди. Уни ил\ор намоёндаларидан бири М.В.Ломоносовдир.

Маърузада одатда кўпроқ баён қилиш етакчи роль ўйнайди. Талабалар дарсда пассив роль ўйнашади. Семинар дарсида эса талабалар актив роль ўйнашади. Дарсда турли услубларни кўллаб, уларни фаоллигини таъминлаш имконияти кенг.

Маъруза дарси асосан монолог тарзида баён қилинса, семинар дарси турли туман диалог асосида олиб борилади. Одатда семинар дарсида талабаларнинг билими, ўз устида ишлаш даражаси аниқланади ва назорат қилинади.

Семинар (lot.seminarium- манба, кўчма маънода –мактаб) – ўқув амалий маш\улот шаклларидан бири. Асосан олий укув юртларида илмий тўгарак анжуманларида кўлланилади.

Таълимнинг семинар шакли қадимги Юнон ва Рим мактабларида пайдо бўлган. Кейинчалик /арбий Европа университетларида ривожлантирилган.

Бу университетларда асосан семинар талабанинг адабиётлар, манба устида ишлаш вазифасини ўтаган. XX аср бошларидан семинар дарслари талабаларнинг умумий илмий дунё карашини кенгайтиришда, уларни муайян фан тарихидаги муҳим муаммо ва тадқиқотлар билан таништиришда катта роль ўйнай бошлаган.

Семинарнинг асоан уч тури бор.

1. Ўрганилаетган фан ёки курсни чуқур ўрганишга ёрдам берадиган дарслари.
2. Айрим муаммо, асоий ёки муҳим мавзуни ўрганиш учун ўтказиладиган семинарлар.
3. Тадқиқот характеридаги семинарлар.

Ўқув жараёнини ташкил этишда семинар дарслари алоҳида ўрин тутади. Семинар талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашни таъминловчи, ижодий қобилиятини намоён қилувчи ўқув жараёни шаклидир.

Семинар маш\улотлариниг мақсади талабаларнинг чуқур билим олишини таъминлаш, олган билимни реал ҳаётда қайта қўллашдир.

Бунинг учун талаба олган ахборотларини таҳлил қилиш, илмий тадқиқот ўтказиш, таққослаш хulosи чикаришни билиши керак. Бундай маҳоратга эга бўлишга кўп жиҳатдан семинар дарси ёрдам беради.

Семинар дарсининг олдига қўйилган бош мақсадни амалга ошириш учун дарсни олидига куйилган қатор вазифаларни амалга ошириш керак. Бу вазифалар семинар дарслари бажарадиган функцияларда ўз ифодасини топади.

Семинар дарси қатор функцияларни бажаради;

1. Талабаларга проффесионал таълим бериш ва тарбиялаш;
1. Мустақил ишлаш малакасини ўстириш;
2. Талабаларни мантикий фикрлашга ўргатиш;
3. Нутқ, сўзлаш, илмий мунозаралар олиб боришга ўргатиш;
4. Мустақил фикр юритиш ва фикрини ўртоклашишга ўргатиш;
5. Ўртоклари фикрини танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ўргатиш;

Семинар дарсини ўтказища кўлланиладиган услублар турли туман бўлиб, у ёки бу услубни танлаш, авволо ўрганилаётган фаннинг хусусиятига,

иккинчидан, ўтилаётган мавзуга, учинчидан, семинар дарсида қўйилган мақсадга, ниҳоят, тўртингидан, танланган услубни қўллаш имкониятига бољик.

Айни пайтда иқтисодий таълим жараёнида нисбатан кенг қўлланиладиган услублардан экспрес-савол-жавоб, саволлар тизимиға асосланган муҳокама, масала, машқ, тест ва уларнинг натижасини муҳокама қилиш ва бошқаларни қўрсатиш мумкин. Семинар мавзуси маъруза мавзуси билан бир хил бўлиши шарт эмас. Айрим пайтларда мавзудаги айрим саволларни маърузада кўрилса, айримларини семинарда муҳокама қилиш мумкин. Ҳозирги пайтда шундай тажриба амал қиласди, маърузада кўрилган мавзу албатта семинарда ҳам муҳокама қилинади. Лекин маълум шароитда семинар дарси ва унинг мавзусига бошқача ёндашиш мумкин. Айтайлик, мустақил ўрганиш учун турли адабиётлар, бошқа ахборот манбалари мавжуд бўлса, семинарда мустақил ўрганилган мавзуси муҳокама қилиш мумкин. Айниқса мавзуни ўрганиш учун вақт етишмаган пайтда бундай усул қўл келади.

Семинар дарсини муваффақиятли ўтказиш учун энг аввало асосий ва қўшимча адабиётларни синчковлик билан ўрганиб чиқиши зарур. Адабиётларни ўрганиш дарс жараёнида талабаларнинг диққатини қаратиш лозим бўлган масалаларни алоҳида ажратиш, мавзуни қайси усул асосида ўрганишни режалаштириш ва дарсга тайёрланиш имконини беради. Айниқса, аудиторияда жонланиш, муҳокама қилиш мунозара га сабаб бўладиган саволлар қўйилганда юз беради. Натижада мавзуни чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам бундай саволларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Мавзунинг мазмунини ўзлаштиришни чуқурлаштиришнинг энг оддий йўли бу саволларни мураккаблаштириш ҳамда алоҳида саволлардан саволлар тизимиға ўтиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Бу эса қўйилган саволларга жавоб бериш, муаммони, саволни муҳокама қилиш жараёнида вужудга келган муаммоли вазиятни ўрганиб, уни ечиш имконини беради. Масалан, иқтисодиёт назариясининг бош масаласи нима? деган савол қўйилган. Бу ерда талаба иқтисодиёт назарияси фанининг бош муаммоси-ресурсларнинг чекланганлиги шароитида чексиз эҳтиёжни қондириш муаммоси-деб жавоб бериши мумкин. Ана шу саволни бошқача саволлар тизими асосида қўйиш мумкинки, натижада талабалар қўйилган масалани чуқурроқ тушунишига ёрдам беради.

Мавзуни ўрганишни чуқурлаштиришга савол шаклини ўзгартириб, уни мураккаблаштириш орқали эришиш мумкин. Айтайлик, Юқорида берилган саволни бошқачароқ қилиб, иқтисодиётнинг бош муаммоси нима ва уни нимага бош муаммо деб қараш керак?- деб ўзгартириш мумкин.

Талабаларни мавзуни у ёки бу катигорияни қай даражада тушунгандарини синаш учун уларга ушбу мавзу бўйича берилган саволларга олинган жавоблари асосида муҳокама қилиш усулини қўллаш мумкин ёки мавзу бўйича тестлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Семинар дарсининг талабалар тамонидан билим, иқтидор, нутқ, бошқалар фикрига танқидий қарашни талаб этадиган услубларидан мунозара бўлиб, у мураккабdir. Бундай усул билан дарс ўтиш ўқитувчидан катта тайёргарлик кўриш, маҳоратни талаб этади. Умуман олганда семинар дарси турли услублар асосида олиб борилар экан, у қизиқарли, барча талабаларни фаол қатнашишга ва охир оқибат қунт билан тайёрланиб келишга унрайди.

Олий ўқув юртларида талабалар маъруза дарсларида олган билимларини чуқурлаштириши, уларни кенгайтириши мақсадида ўқув юртининг ўқув режасида ҳар бир фан (курс)лар учун семинар машҳулотини

талабалар учун мустақил иш сифатида қараң мүмкін. Чунки талаба маърузада олган билимини ўзлаштиргани ҳолда, семинар маш\уотига бошқа адабиётлар, керакли манбаалардан, дарслерлерден фойдаланиб маълумотлар ахтаради ва уларни бўл\уси семинар маш\уотига ўзлаштириб боради. Семинар маш\уотига тайёргарлик талабаларга изланишга, фикрлашга, келажакка тайёрлашда муҳим восита ҳисобланади.

Семинар маш\уоти дарсларида ҳам талабалар томонидан маш\уотга тайёрланиш давомида И.Каримов асарларидан фойдаланиш назарда тутилади. Юқорида қисман айтиб ўтилганидек семинар маш\уотига тайёргарлик ҳам мустақил ишлар таркибиға киради. Шу билан бирга мустақил ишларга, реферат ёзиш, курс ишини тайёрлаш, илмий анжуманларда иштирок этиш, диплом ишини тайёрлашлар ҳам шулар жумласидан. Буларга тайёрланишда И.Каримов асарларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, асарлар иқтисодий мавқега эга эканлиги билан илмий ишларни эркин баён этишида асосий восита бўлиб хизмат қиласи. (+. Шамсиев. «*Дарсларни замонавий ташкил этишининг шакл ва услублари*». Т., 2005.(Б.М.И.))

Биз юқорида маъруза ва семинар маш\уотлари ҳақидаги назарий фикрларимизни баён этдик. Шу маънода савол ту\илади. Хўш, иқтисодчи-педагог кадрларни тайёрлашда маъруза ва семинар маш\уотлари қандай аҳамият касб этади? Маш\уотларни ташкил этишида асосан нималарга эътибор каратиш лозим?

Маълумки, иқтисодчи-педагог кадрлар тайёрлашда маъруза ва семинар дарслари алоҳида аҳамият касб этади. Маърузада олинган назарий билимлар бевосита семинар дарсларида амалий нуқтаи назардан тегишли саволлар асосида таҳлил этилади. Бу эса иқтисодчи-ўқитувчи кадрлар учун амалий тажриба вазифасини ўтайди. Улар бир вақтнинг ўзида билим олаётган бўлсалар, бир вақтнинг ўзида олинган билимларини амалиётга жорий этишни ўрганадилар. Шу билан бирга маъруза ва семинар дарсларини ташкил этаётган ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини доимий кузатиб борадилар. Улардан ўзларига керакли хулосалар чиқарадилар.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида педагогика фани олдида турган асосий вазифалардан бири шуки, таълим жараёнида талаба обьектдан субъектга айланиши лозим ва унга эришишда албатта фан ўқитувчиларининг роли катта. Шу маънода, маъруза ва семинар маш\уотларини ташкил этишида асосий эътибор анъанавий дарс ўтишга эмас, балки ноанъанавий дарсларга қаратилиши лозим. Бунга эришиш учун эса ўқитувчи дарс ўтиш услубиётини тў\ри танлай олиши лозим. Бас, шундай экан иқтисодчи-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш мобайнида қўйидаги ноъананавий усул ва услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хар қандай мавзуни ўганишда турли услублар қўлланилади. Бунинг сабаби, биринчидан, дарс ўтишда турли услубларни қўллаш уни қизиқарли бўлишига, талабаларни диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратилади.

Бир хил услубда дарс ўтилиши талабаларни зериктиради ҳамда дарс пайтида диққати бошқа нарсаларга қаратилади.

Психологларнинг тадқиқотларига кўра ҳар қандай моҳир ўқитувчи ҳам бир хил услубда дарс берар экан, айтайлик , маъруза ўқир экан, талабалар дастлаб 20 минут, сўнгра дарсни тугашидан олдин 20 минут маърузани диққат билан эшитар, қолган пайтда ҳаёли қочар экан.

Иккинчидан, талабаларнинг дарсни ўзлаштириш, эшитганлари, янги билимни қабул қилиш қобилиялари ҳар хил талабалар томонидан нисбатан тўлиқ ўзлаштиришга олиб келади. Тадқиқотлар шуни қўрсатадики, олган билимни ўзлаштириш жараёнида бир хил талабаларга бир услугуб мавзунинг мазмунини тезрок англашга ёрдам берса, иккинчиларига бошқа услугуб ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам барча педагоглар талабаларга билим беришнинг энг самарали йўли, дарс ўтишни турли услубларини қўллаш деган фикр тарафдори бўлиб, айнан қайси услугуб қайси тоифадаги талабалар учун қўлланилиши маъқуллиги бўйича ягона фикр йўқ.

Жаҳон педагогикаси тажрибаси шуни қўрсатадики, таҳлил фикр юритадиган талабалардан муваффакият билан ишловчи бизнесменлар, сиёсий лидерлар (сардорлар), фан арбоблари етишиб чиқади.

Педагогларнинг муҳим вазифаси, мақсади айнан турли услублар орқали талабаларни билим, ахборот олишни турли шаклларига тезда мослашишга, ўз дунёқарашини кенгайтириш учун ҳаракат қилишга талабаларни қизиқтириш ва уни амалга оширишdir.

Агар ўқитувчи талаба ёқтирумайдиган услубда дарс олиб борса унинг борган сари ўқишдан кўнгли совиб, шу даражага етиши мумкин-ки, фанни умуман ўқигиси келмай қолиши мумкин. Аксинча, буткул бирон талаба ёқтирадиган усул билан дарс берилса, унда фикрлашнинг қзгарувчанлиги йўқолади. Ўз имкониятини тўла ишга сола олмайди. Бу дегани келгусида ўз фаолиятида муваффакиятга эришиш имконияти чекланади. Баъзи талабалар аниқ фактлар, маълумотларни тезроқ қабул қиласди. Бошқалари назарий математик моделларни ёқтиради. Баъзи талабалар қўргазмали расмлар, диаграммалар орқали, бошқалари мунозара қилганда, учинчилари ўзи бажаришда қатнашса яхшироқ, пухтароқ ўрганади.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра аҳолининг 40% и кўриш орқали тезрок ўрганса, 30%и эса эшитишни устун қўядиган бўлиб, бирордан эшитганлари орқали тезроқ ўрганар экан, қолган 30%и аралаш, ўзи қатнашса тезроқ ўзлаштирас экан.

Умуман олганда, таълим-тарбия беришнинг услублари қотиб қолган эмас. Вақт ўтиши билан ўзгаради. Талабаларни билим олиши ва олган ахборотини қайта ишлаши учун турли туман услубларни ўйлаб топиб қўллаш мумкин. Айниқса хозирги пайтда муваффакиятли фаолият юритиш учун жуда кўп соҳаларга билишнинг турли усулларини қўллаш ва билим беришда мослашувчанлик, ранг-баранг педагогик услублар қўллаш талаб этилади.

Ўқитувчиларни дарс жараёнида турли услубларни, ўқув топшириқларини қўллаб, ўз талабаларида билим олишга иштиёқ уйготишлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Кўчилик педагогларнинг ишончи комилки, талабаларнинг қобилиятини, уларни индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда турли услубларни қўллаш, албаттa ўзлаштириш натижасини кўтаради.

Дарс ўтишда қўлланиладиган услубларни шартли равишда анъанавий дарс ўтиш услублари ҳамда талабалар фаоллигини оширувчи интерактив услубларга ажратиш мумкин.

**Анъанавий дарс** ўтишда дарснинг асосий мақсади кўпроқ тушунтиришга қаратилган. Талабаларни ўрганилаётган мавзуни қай даражада ўзлаштирғанларини назорат қилиш жараёнида билдирган фикрларига қараб амалга оширилади.

**Дарс ўтишнинг талабалар фаоллигини оширувчи интерактив** усууллари айрим адабиётларда ноанъанавий дарс ўтиш усууллари деб ҳам таърифланади. Бу усууллардан авваллари ҳам фойдаланилган, лекин камроқ эътибор берилган. Ҳозирги пайтда бутун дунёда фаол интерактив услубларни қўллаш дарс ўтишни самарали усули сифатида тан олиниб, кенг қўлланилмокда.

Дарс утиш услублари турлича бўлиб, улардан энг кўп қўлланиладиган асосий методлар куйидагилар:

**Америка мунозара** (дебатлар). Бундай тарзда дарс ўтишда икки талаба белгиланган қатъий тартиб бўйича, мунозарага раислик қилувчининг раҳбарлиги остида берилган савол ёки муаммо бўйича мунозара олиб борадилар. Уларнинг билдирган фикрларини арбитрлар коллегияси баҳолайди. Арбитрлар талабалардан белгиланади.

**Инглизча мунозара** (дебатлар). Мунозаранинг бу шаклида муҳокама қилинаётган муаммо ечимига етказилади.

**Очиқ мунозара.** +ўйилган муаммони белгиланган қоида бўйича муҳокама қилиб, ечимини қабул қилиш ёки қилмасликни пленумга топшириш билан якунланади.

**Сиртки услуг** (масофадан ўқитиш). Ўқув материалини хатлар, топшириқлар ёки аудиовизуал воситалар орқали мустақил ўрганиш. Интернетни ҳаётга кириб келиш ва борган сари кенг қўлланилиши билан бу услуг асосида дарс бериш ҳам ривожланиб, кенг ёйилмокда.

**Тў\ридан-тў\ри баён қилиш услуги.** Бу модел (услуб) янги тушунчалар, навбатма навбат, асталик билан мантиқий изчилиқда бериб борилади. Бу услуг кўпроқ маъруза уқигандага қўлланилади.

**Гурухларда жуфтлик ёки кичик гурухларга бўлинниб ишлаш.** Бу услубда жуфтлик, ёки кичик гурух билан биргаликда аниқ қўйилган у ёки бу масалани, маълум белгиланган вақт ичida ўзаро фикр алмасиш, мулоқот қилиш орқали ечиш кўзда тутилади.

**Интервью** – бир ёки бир неча кишилардан ахборот олиш учун аниқ мақсадга қаратилган сўров (савол-жавоб) ўтказилади.

**Дарсни аниқ йўналтирилган (мўлжалланган) саволлар асосида олиб бориш.** Бу услубда мавзу бўйича аниқ йўналтирилган саволлар билан мавзу муҳокама қилинади. Ўқитувчи савол-жавоб сухбатни бошқариб туради.

**Моделлаштирувчи амалий ўйинлар ва машқлар.** Бу услубда талабаларнинг ўзлари қатнашади. Моделлаштиришда абстракт услублардан фойдаланиб реал вокеликка иложи борича яқинлаштирилади. Бу услуг ўзи бажарганда осон тушунадиган талабаларга қўл келади. Моделлаштирувчи ўйинда талабалар ўзлари белгиланган ролларни бажарадилар. Ўз ҳатти ҳаракатлари орқали зарур малака ва қўникмаларни эгаллашади.

**Реферат** – баҳолаш назаридан нейтрал позицияда турган ҳолда мавзу бўйича озаки ахборот бўлиб, у аниқ объектив, структура, китоб ёки рисоланинг мазмунини қисқача баён қилиш ёки бирон мавзу, асар бўйича қисқача доклад тарзида тайёрлаш мумкин.

**Доклад ёки қисқача** доклад – мавзу ёки муаммони тартибга солинган ҳолда таништириш ёки баҳолаш тарзида баён қилинади.

**Масала еки машқ ечиш.** Ўтилганларни назарий жиҳатдан ёдга тушириб, берилган топшириқни бажариш. Назарий билимни мустаҳкамлаш ва амалий қўникмаларга эга бўлишга қаратилган.

**Тадқиқот услуби** Бу услуг бўйича бирон муаммо ёки гиотеза қўйилиб, гуруҳ биргаликда тадқиқот ўтказиб, мантиқий хulosса чиқариб, уни илгари сурилган гипотеза билан таққосланади.

"Ақлий хужум"- услуби, муайян муаммо қўйилиб, уни ечиш учун талабалар ўртасига қўйилади. Унда ҳар бир гуруҳ ёки алоҳида талабалар томонидан фикр ва мулоҳазалар билдирилади. Улар солиштирилади ва хulosса чиқарилади.

**Конкурс (танловлар)лар ўтказиши.** Маълум бир мавзу ёки муаммо бўйича талабалар олган билимларини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади.

Дарс ўтишда бошқа қатор услублар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўқитувчи мавзунинг мазмунни, гуруҳнинг тайергарлигига қараб қўллаши мумкин.

Мустақил иш - бу талаба учун ўқитувчи томонидан берилган топшириқни бажариш тушинилиб, унинг мазмунини, ижтимоий-иктисодий моҳиятини ёрита билишига айтилади.

Мустақил ишлар туркумига қўйидагиларни киритиш мумкин: назоратларга тайёрланиш, рефератлар ёзиш, курс ишларини тайёрлаш, диплом лойиҳаларига тайёргарлик, олий ўқув юртларида ўтказиладиган семинарларга раҳбарлар иштирокида тайёргарлик кабилар. Талаба мустақил ишларни бажариши олий мактаб педагогикасининг муҳим вазифаларидан бири десак мубола\а бўлмайди. Чунки, шу мустақил иш тайёрлаш давомида талаба, унга ижодий ёндошади. Адабиёт, журналлардан, газеталардан, оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланишга ўрганиб, мустақил иш сифатида берилган топшириқни ижтимоий-иктисодий аҳамиятини туб илдизини очиб беришга интилади ва бу интилиш талаба шахсида илмий ишларга бўлган қизиқишини орттиради. Келажакда илмий ходим, олим даражасига чиқиш имкониятларига замин яратади.

Амалий маш\улот - ўқув ишларининг мантиқий давоми бўлиб, бу термин талабаларнинг мустақил аудитория ишларини умумий тушунчаси ҳисобланади. Амалий маш\улотларда машқлар ишлаш, лаборатория ишларини ўтказиши, ҳар хил илмий тажрибаларни ўтказиши кабилар амалга оширилади. Билим беришнинг бу шаклида маъruzalararda олинган назарий билимлар бевосита амалиёт билан бо\ланади ва ўқувчилар тажрибалар томонидан амалга оширилади.

Курс иши - олий мактаб ўқув режасида қайд қилинган таълим беришнинг шаклларидан бири. Курс ишлари бирор фаннинг назарий курси нихояланган сўнг амалга оширилади. Таълим беришнинг бу тури талабаларнинг илм олиш даврида олган билимларини янада мустаҳкамлаш, ўша назарий билимларини қанчалик амалиёт билан бо\лай олиши негида пайдо бўлади. Курс иши тайёрлаш жараёнини бевосита мустақил ишлар таркибиға киритиш мумкин курс иши ҳам ўқув режада киритилган бўлади.

Амалиёт - таълим шаклларидан яна бири бўлиб, унда талаба олий ўқув юртида олган назарий билимларини бевосита амалиётга тадбиқ қиласи. Бу жараёнда амалиётчига албатта ўша амалиёт ўтилаётган пайтдан ва олий ўқув юртидан илмий раҳбарлар тайёрланади. Амалиёт талаба учун келажак иш фаолияти учун илк қадамлар бўлиб ҳисобланади. Чунки мана шу амалиёт

давомида амалиётчи, яъни талаба ўзи олий ўқув юртида олган билимларини қанчалик амалиётга қўллай олишини ўзи нуқтаи назаридан ҳам баҳолайди ва бу орқали ўз келажагини тасаввур қилиш, уни ҳис қила олиши ҳам ҳеч гап эмас. Шуни ҳам айтиш керакки, амалиёт ҳам маълум ҳафта давомида белгиланган бўлиб, олий ўқув юрти ўқув режасида киритилган.

Диплом иши - бу олий ўқув юртида олган билимларни натижаси, илмий изланишларнинг бошлангич кўриниши бўлиб, таълим беришнинг бир шакли сифатида намоён бўлади. Диплом иши бир мутахассисликни тамомланаётган талаба томонидан, шу мутахассислик раҳбари билан бирга тайёрланадиган ва ўқув юрти ўқув режасида қайд қилинган таълим бериш шаклларидан ҳисобланади.

Умуман олганда барча олий мактабларда таълим беришнинг ташкилий шакллари амал қиласар экан, уларга бир қатор талаблар қуйилади. Улар қуидагилардан иборат:

1. Берилаётган материаллар илмий бўлишилиги;
  2. Маъруза, амалий машҳулот, семинар машҳулотлари системали ташкил этилиши;
  3. Берилаётган маълумотлар, материаллар талабалар ёшига мос бўлишилиги;
  4. Сиёсий жихатдан тўғри ва назарий масалалар амалиёт билан бошликлиги;
  5. Берилаётган маълумотларда энг сўнгги материалларнинг бўлишилиги;
6. Билим беришнинг ташкилий шаклларини амалга ошириш жараёнида И.Каримов асарларидан, оммавий ахборот воситалари материалларидан унумли фойдалангандик даражаси ва ҳоказолар.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И. А. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж., Иқтисодий педагогика. Ўқув қўлланма. -Т.: 2002.
3. Экономическая теория. под ред. акад. Видяпина В.Д, акад. Журавлевой Г.И., акад. Гулямова С.С. акад. Шарифходжаева М.Ш., акад. Абдурахманова К.Х. -Т.: 1999.
4. Экономическое образование и воспитание учащихся. под ред. И.И.Горлача. -Киев: 1989.
5. +. Муфтайдинов, +. Йўлдошев. «Шарқ иқтисодий таълимотлар тарихи». – Т.: «Халқ мероси», 2002.
6. Самуэльсон П. Экономика. М. «Альгон» ВНИИСИ, 1992., 6-7 бетлар.
7. Ўлмасов А., М. Шарифхўжаев. «Иқтисодиёт назарияси». Т., «Мехнат», 1995.
8. Шарифхўжаев М ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Т. «Ўзбекистон», 2001.